



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Тинчлик ва озоишталикни асраш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришни биз энг муҳим вазифамиз деб биламиз.
Шавкат МИРЗИЁЕВ

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 8-may, shanba, 54-55 (23.490-23.491)-son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
КАРОРИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЭКСПЕРИМЕНТ ТАРИҚАСИДА МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли даромадини оширишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизmlарини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга қўмаклашиш, «маҳаллабай» ишлаш тизими орқали маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этишнинг Самарқанд тажрибасини амалиётга жорий этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ҳокимияти ривожлантириш агентлигининг **2021 йил 1 июндан бошлаб** Самарқанд вилояти туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасида қуйидагиларни назарда тутувчи «**маҳаллабай» ишлаш тизимини эксперимент тарикасида ўтказиш** ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

туман (шаҳар) ҳокимлиги таъсис қилинган **Маҳаллабай ишлаш марказларини** (кейинги ўринларда – Марказлар) давлат муассасаси шаклида ташкил этиш. Бунда Марказларнинг фаолияти туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан мувофиқлаштириб борилади;

туман (шаҳар)лардаги ҳар учта маҳаллага биттадан **маҳаллабай ишлаш инспекторларини бириктириш**;

маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозими негизда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг **тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосари** лавозими жорий этиш;

ҳокимнинг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг **тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосарининг** ўзаро узвий ҳамкорликда ишларини таъминлаш.

2. Белгилансинки: Марказлар фаолияти **Паст Дарғом, Ургант ва Булунгур** туманларида **жорий йил 1 июндан бошлаб** ҳамда Самарқанд вилоятининг қолган туман (шаҳар)ларида **1 августга қадар** ташкил этилади;

Марказларда очилмаган штат бирликлари туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказининг **ишга жойлаштириш инспекторлари** штат бирликлари қисқартирилиши ҳисобидан

шакллантирилади. 3. Марказларнинг асосий **вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб** қуйидагилар белгилансин:

аҳолининг бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаини яратиш орқали камбағалликни қисқартириш чораларини кўриш;

маҳаллабай ишлаш асосида тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш ҳамда аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш;

тадбиркорлик қилиш истагида бўлган фуқароларга, жумладан, аёллар ва ёшларга кредит ҳамда субсидиялар олишда қўмаклашиш;

тадбиркорлик, ҳунармандчилик қилиш истагини билдирганларга замонавий асбоб-ускуналар ҳамда мини-технологиялар топишда қўмаклашиш;

маҳалладаги инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда хорижда меҳнат фаолиятини юритиш ва малака ошириш истагини билдирган фуқаролар билан ишлаш.

4. Самарқанд вилояти туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг намунавий ташкилий тузилмаси **1–3-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Маҳаллабай ишлаш марказининг намунавий низоми ва ташкилий тузилмасини;

Маҳаллабай ишлаш марказлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядларини тасдиқласин.

6. Самарқанд вилояти ҳокимлиги туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан намунавий низом ва ташкилий тузилма асосида Маҳаллабай ишлаш марказининг устави ва ташкилий тузилмаси тасдиқланишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Марказ директори:

вилоят ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда туман ҳокими томонидан **лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади**;

маҳаллалар кесимида тўпланган муаммо ва муражатларни мувофиқлаштириб, уларни ҳал этишда туман (шаҳар) ҳокимининг **тегишли ўринбосарлари билан ҳамкорликда** ишларни ташкил этади;

амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан **ҳар чоракда** халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида ҳисобот бериб боради.

8. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташкил этиладиган Марказларни тегишли бино, замонавий ахборот воситалари (компьютер тўплами, алоқа, Интернет ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

3-саҳифа >>>

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК – ИНСОНИЙ БУРЧ!



Ҳаёт қадрини англаган кунлар

дастлабки ўн кунлиги ўтаётган мазкур ой шундай фазилатга эга

Негаки, байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратилади. Улар турли давраларда ўз хотиралари билан ўртоқлашади. Бу мулоқотлар ўша машъум йиллар инсоният бошига нечоғлик катта кулфат солганини тўла англаб етиш имконини беради.

Самарқанд шаҳридаги Хотира майдонидagi лавҳаларда 48 500 нафардан ортиқ ота-боболаримиз номлари ёзилган.

Жанглардан омон қайтган ватандошларимиз сафи йиллар давомида сийраклашиб бормоқда. Бугунги кунда урушдаги галабанинг 76 йиллиги ҳамда хорижда меҳнат фаолиятини юритиш ва малака ошириш истагини билдирган фуқаролар билан ишлаш.

4. Самарқанд вилояти туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг намунавий ташкилий тузилмаси **1–3-иловаларга** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Маҳаллабай ишлаш марказининг намунавий низоми ва ташкилий тузилмасини;

Маҳаллабай ишлаш марказлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядларини тасдиқласин.

6. Самарқанд вилояти ҳокимлиги туман ва шаҳар ҳокимликлари томонидан намунавий низом ва ташкилий тузилма асосида Маҳаллабай ишлаш марказининг устави ва ташкилий тузилмаси тасдиқланишини таъминласин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра Марказ директори:

вилоят ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишилган ҳолда туман ҳокими томонидан **лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади**;

маҳаллалар кесимида тўпланган муаммо ва муражатларни мувофиқлаштириб, уларни ҳал этишда туман (шаҳар) ҳокимининг **тегишли ўринбосарлари билан ҳамкорликда** ишларни ташкил этади;

амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан **ҳар чоракда** халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида ҳисобот бериб боради.

8. Самарқанд вилояти ҳокимлиги ташкил этиладиган Марказларни тегишли бино, замонавий ахборот воситалари (компьютер тўплами, алоқа, Интернет ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсин.

ҳамда ургутлик Бўрон Гадоевга давлатимиз раҳбарининг уларга йўллаган байрам табригини ўқиб эшиттириб, Президент совғаси – 12 миллион сўм миқдоридagi пул мукофотини топширди.

Ҳарбий оркестр садолари остида ўтган тантаналарда меҳмонлар фашизм устидан галаба қозонишда муносиб ҳисса қўшган ва урушнинг азоб-уқубатини чеккан фахрийларга ўз совғаларини ҳам улашди.

Чинакам байрамга айланган ушбу йўқловларда Миллий гвардия, Мудофаа бошқармаси, маданият ва санъат усталари, жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

Уруш қатнашчилари фронтда кўрсатган жасоратлари ва урушдан кейинги даврдаги меҳнат фаолияти ҳақида гапириб берди. Бугунги тинч-ошойишта кунларнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш кераклигини таъкидлашди.

Марказий ҳарбий округга қарашли Самарқанд гарнизони ҳарбий хизматчилари ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят бўлими ҳамкорликда Самарқанд шаҳридаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олди. Фахрийлар билан суҳбатда фашизм устидан қозонилган галабада ўзбек халқининг ҳиссаси, фронт ортидаги заҳматли турмуш, бугунги дориламон кунлар масъулияти ҳақида сўз борди.

Эъзоз ва эҳтиромда

Уруш фахрийларининг аччиқ хотиралари билан танишган киши, тинчлик учун жонини фидо қилган Ватан ўғлонларини шарафлаб, уларга муносиб бўлиш ҳиссини туяди.

– Иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилган миллионлаб эр йигитлар жанг майдонларида халок бўлди, бедарак йўқолди, – дейди 1924 йилда Булунгур туманида туғилган Бектемир бобо. – Уларнинг айримларигина турли даражадаги жароҳатлар билан яқинлари бағрига қайтди.

1942 йил 18 ёшимда фронтга кетганим. Жангларда беш марта танамнинг турли жойларидан жароҳат ҳамда бош миямдан контузия олганман.

Бектемир бобо Қаршибобев хонадонига ташриф бурган ҳарбий хизматчилар ва жамоатчилик вакиллари

томорқа ерларини юмшатиб, ҳовли атрофи ва ариқларни тозаллаб, ободонлаштирди.

Нуроний отахоннинг кўнглини хушнуд этиш учун Самарқанд гарнизони ҳарбий оркестр жамоаси ва қашқадарёлик оддий аскар Ақром баҳши томонидан куй-қўшиқлар ижро этилиб, отахонга байрам совғалари топширилди.

Хотира ва кадрлар кунини муносабати билан давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам уруш фахрийларининг хонадонига бўлиб, ҳолидан хабар олмоқда. Асосийси, фахрийлар ҳамда улар оила аъзоларининг давлат хизматлари бўлган талаб-эҳтиёжлари ўрганилиб, зарур хизматлар кўрсатилмоқда.

Шунингдек, Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги ташаббуси билан сана олди-дан шаҳар ва туман марказ-

ларида аҳоли ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган хотира тадбирлари ўтказилмоқда.

Жумладан, Қўшработ туманида ўтказилган шундай тадбир иштирокчилари марказий кўчада юртдошларимизни фашизм устидан қозонилган галабанинг 76 йиллиги билан табриклаб, Ўзбекистон Республикаси байроғи акс этган ленталар тарқатди. Ҳарбий хизматчилар томонидан урушда қозонилган галабани акс эттирувчи сахна кўринишлари ва фахрий қоровул эвзодининг чиқишлари кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Бу каби тадбирлар ҳудудларда давом этмоқда. **Алишер ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси.**

Таҳлилий танқид – тараққиёт гарови

Кеча халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўттинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишини вилоят ҳокими Э.Турдимов олиб борди. Депутатлар кун тартиби бўйича вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид бир қатор масалаларни муҳокама қилди.

▶ УРГУТДА ИННОВАЦИОН УНИВЕРСИТЕТ ОЧИЛАДИ

Бу ҳақида вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Хўжаев вилоятдаги махсус иқтисодий зоналарда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ижроси, инвесторлар дуч келаётган муаммолар ва уларни ўз вақтида ҳал этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботида айтиб ўтди.

Туркияда бу борада катта тажрибага эга олий ўқув юрталари билан ҳамкорликда фаолият олиб борадиган университет замонавий мутахассислар тайёрлайди.

Сессия ишида қайд этилишича, туманда яна қатор янги лойиҳалар амалга оширилади. Асосийси, ҳудуд тўлиқ саноат зонасига айлантирилади.

▶ ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ РИВОЖЛАНАДИ (МИ?)

Мазкур масала юзасидан вилоят туризми ривожлантириш департаменти директори Д.Нарзикулов ҳисобот берди. Мутасадди вилоятда туризми ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, жумладан, имконият катта бўлган зиёрат туризми йўналишидаги ишларга тўхталди. Мавзу депутатларнинг қизгин муҳокамасига сабаб бўлди.

– Зиёрат туризми бўйича Малайзия, Индонезиядан 100 минглаб сайёҳлар келиши режалаштирилган бўлса, уларга гид хизматини ташкил қилиш ҳақида ўйлаб кўрилганми? – дейди вилоят Кенгаши депутати, СамДЧТИ ректори И.Тўхтасинов. – Негаки, келиши режалаштирилаётган турк, малай, индонез зиёратчиларининг тили Самарқандда ўргатилмайди, ўрганилмайди.

Д.Нарзикуловнинг айтишича, ушбу йўналишда туризми ривожлантириш вазирлигида зарур ишлар олиб боришмоқда. Муҳокамалар чоғида зиёрат туризми ривожлантириш бўйича соҳага оид ҳеч бир масала эътибордан четда қолмаслиги зарурлиги айтиб ўтилди. Жумладан, тегишли ҳудудларда санитар-гигиена шохобчаларининг замон талаблари даражасида бўлиши ҳам масъуллар томонидан назорат қилиниши шартлиги билдирилди.

▶ ТИББИЁТДА ҲАММАСИ ЖОЙИДА

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д.Жуманиёзов берган маълумот шундай таассурот қолдирди. Бироқ депутатлар аслида бундай эмаслигини ва ишни реал ҳолатдан келиб чиқиб ташкил қилиши тавсия этишди.

– Масалан, тизимда ҳамон шаффофлик

етишмайди, – деди Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Тошев. – Ваҳоланки, айни шу нарса порахўрлик ва коррупциянинг уришига, оқибатда эса кўрсатилаётган хизмат сифати ёмонлашишига сабаб бўлмоқда.

Бошқа бир депутат тизимда иш ҳисобот учун қилинаётганига аниқ мисол келтирди. Қайд этилишича, Европада келган инвестиция режалаштирилган бўлса, вилоятимизга фойдаси кўпроқ тегишини аниқлаш учун соҳа мутасаддилари билан учрашган. Мулоқотдан сўнг ҳудудда тиббий хизмат ҳолати йўқ экан, деган хулосага келган. Яъни мутасаддилар унга оддий хисоботни беришган.

Шу сабаб сессияда вилоятда қайси тиббий ускунага қанча эҳтиёж борлиги бўйича аниқ таҳлилий маълумот тайёрлаш вазифаси берилди. Тизимда ўзгариш қилиш, хусусан, ишни замонавий асосда ташкил қилиш, хизмат сифатини ошириш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

▶ НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛЛАР ВА ПРОКУРОР ЭШИТИЛАДИ

Сессияда депутат Азиз Аҳоров навбатдаги сессияда қурилиш соҳаси масъулларининг ҳисоботини эшитиш таклифини билдирди.

– Назаримда, қурилиш, айниқса, хусусий кўп қаватли уй-жойлар қурилиши борасида ноқонуний ишлар кўпайиб борапти, – деди Азиз Аҳоров. – Масалан, депутат Бадриддин Насриев сайлов округ-

даги ноқонуний қурилаётган кўп қаватли уй бўйича депутат сўрови юборди, ОАВда чиқиш қилди. Бузиб ташласин, деймайман, ammo ноқонуний қурилгани соҳа мутасаддилари, ҳатто прокуратура ҳам тўхтатолмайпти, шекилли.

Худди шунга ўхшаш ҳолат Самарқанд шаҳрининг яна бир ҳудуди – Минск кўчасида кузатиляпти.

Таклифим – тизим мутасаддилари ва тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари сессияда ҳисобот берсин: нима учун депутат сўровига бундай муносабатда бўлиняпти? Нега ноқонуний қурилиш тўхтатишга прокуратура ҳам кучи етмаяпти?

А.Аҳоровнинг таклифи қўллаб-қувватланди.

Сессияда вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари А.Шукүрнинг «2021 йилда Самарқанд вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар тўғрисида»ги ахбороти, вилоят прокурори, 2-сектор раҳбари Р.Маширпоянинг вилоятни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ижтимоий муҳофазасини яхшилаш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан

2021 йил II чораги учун ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» маълумот учун қабул қилинди.

Шунингдек, сессия ишида Кенгаш ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.


БИЗ СИЗДАН МИННАТДОРМИЗ!

Айни пайтда вилоятимиз жамоатчилиги эътибори ва эъзозиди бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари

Самарқанд шаҳри



Очил Жабборов
(1923 йил)



Жума Ҳасанов
(1923 йил)



Фазлиддин Аслидинов
(1924 йил)



Григорий Токарев
(1926 йил)

Каттақўрғон тумани



Раҳмат Қобилов
(1925 йил)

Паст Дарғом тумани



Парда Рўзиев
(1923 йил)

Нуробод тумани



Раҳмон Обилов
(1924 йил)



Бойкувват Садинов
(1925 йил)

Ургут тумани



Евгений Солдатов
(1926 йил)

Пайариқ тумани



Бектемир Қаршибоев
(1924 йил)

Иштихон тумани



Михаил Колмогоров
(1925 йил)

Кўшработ тумани



София Погребова
(1931 йил)

Пахтачи тумани



Тўхли Одилов
(1924 йил)

Булунғур тумани



Ғаппор Сафаров
(1905 йил)



Урозали Пирманов
(1926 йил)

Нарпай тумани



Бўрон Ғадоев
(1925 йил)

Самарқанд тумани



Зиёт Бўронов
(1926 йил)



Норбек Мардонов
(1918 йил)



Иброҳим Абдуназаров
(1924 йил)



Мақмадиёр Рустамов
(1923 йил)



Юсуф Рўзиев
(1926 йил)



Аҳат Очилов
(1925 йил)



САМАРҚАНДЛИКЛАРНИНГ УРУШ ЙИЛЛАРИДАГИ ҲИССАСИ

Фашизмга қарши жангларда 152 мингдан зиёд самарқандлик иштирок этган. Уларнинг 73 минг нафарига она-юртига қайтиб келиш nasib этмаган.

Урушда кўрсатган жасорати учун 41 самарқандлик **Қаҳрамон унвони**га сазовор бўлган.

1941 йилнинг декабрида вилоятимиздан фронтга 6751 килограмм кишимиш, 22309 кило қуруқ мева, 1034 кило гуруч, 5914 килограмм сабзавот фронтга юборилди. 1942 йилда ёрдам янада кучайтирилиб, озиқ-овқат ва кийим-кечак орттилган 85 та вагон жўнатилган.

Хотин-қизлар ташаббуси билан 3 мингта қалта пўстин, 8 минг пийма, 7 мингта телпак, 9 минг жуфт қўлқоп, 5 мингта пахтали шим ва 17 минг жуфт пайпоқ жангчиларга етказиб берилган.

Самарқанд уруш туфайли вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлардан 165 минг кишини, ота-онасиз қолган 20 мингдан зиёд болани ўз бағрига олди. Жумладан, Каттақўрғон шаҳрида яшаган Ҳалим Саматовнинг оиласи 13 нафар етим болани ўз фамилиясига олиб тарбиялади. Собиқ иттифокнинг турли ҳудудларидан кўчириб келтирилган, ота-онасиз қолган болаларни жойлаштириш учун вилоятда 8 та болалар уйи, 50 дан зиёд қўшимча синфлар ташкил қилинган.

1943 йилда Россия, Украина ва Белоруссияга вилоятимиздан 32 400 бош қорамол, 1200 та от, 8 минг қўй ва эчки юборилган.

Пахтачилик қаҳрамонлар

Зиёвуддин шаҳарчасидаги кўчалардан бири Васильев Дмитрий Павлович номи билан аталади.

Бугун айримлар Челябинск областида туғилган бу инсонга шунча ҳурмат эътиром шартмикан, деб ўйлаши мумкин. Аммо унинг ҳарбий хизматдан кейинги ҳаёти Пахтачи тумани билан бевосита боғлиқ. Негаки, Д.Васильев 1927-1932 йилларда армиядан заҳирага олинган, оиласи билан кўчиб, шу ерда келиб ишлаган.

Орадан 9 йил ўтиб, Дмитрийни такрорий ҳарбий хизматга чақирган.

Маълумотларга кўра, у Брянск, Воронеж, Ғарбий ва 1-Украина фронтларида жангларда қатнашган. 1944 йилнинг бошларидан Украинанинг Волинь облаетини озод қилиш учун олиб борилган жангларда ўзини кўрсатган.

Икки марта яраланган Д.Васильев ўз бўлинимаси ҳаракатларига



раҳбарлик қилишни давом эттириб, жангчиларни шиддатли ҳужумга йўллаб, эскадрон билан қуршовни ёриб ўтишга даъват этади. Таассуфки, ўша жангда унинг ўзи мардларча ҳалок бўлган. У Волинь облаети, Маневичский райони Колки шаҳарчасидаги биродарлар қабристонига дафн этилган.



мининг фармони билан гвардиячи капитан Д.Васильевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

Иккинчи жаҳон урушининг пахтачилик яна бир қаҳрамони худудимизга ёшлигида кўчиб келган. 1923 йил 10 мартда Хмельницкий вилоятидаги Шепетовка қишлоғида туғилган Костров Станислав Иванович Зиёвуддин

шаҳарчасидаги 14-ўрта мактабда ўқиб, таълим олган. Мактабни тамомлаб, шу ерда кутубхоначи бўлиб ишлаган.

С.Костров 1942 йилда армияга чақирилган ва Харьковдаги ҳарбий билим юртини тамомлаб, 1943 йил августидан фронтга юборилган.

Лейтенант С.Костров 1-Белорусия fronti 69-армиянинг 247-ўқчи дивизияси 909-ўқчи полки пулемётчилар взводи бошқариб, Польшани озод қилишда мардлик кўрсатган. Хусусан, 1944 йил 31 июлдан 1 августга ўтар кечаси унинг взводи душман ўқлари остида Висла дарёсини кечиб ўтиб, Пулави шаҳридаги плацдармни эгаллайди.

Ушбу жанглардаги мардлиги ва қаҳрамонлиги учун 22 ёшли лейтенант С.Костров Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланган.

У 1946 йил ҳарбий хизматдан озод этилган, 15 йил Самарқанд темир йўл бўлимида ишлаган.

Оқтош ва Зиёвуддин шаҳарчаларидаги хиббонда ҳар икки қаҳрамоннинг бюсти ўрнатилган.

Исмаил САНАЕВ.

Икки йил олдин пенсияга чиқиш мумкин, қачонки...

Савол: Ёшим 58 да. Иш стажим 27 йил. Корхонамиздаги лавозимим қисқарганлиги сабабли Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан ишдан бўшатиладим. Менга муддатидан олдин пенсия тайинланиши мумкинми?

Жавоб: Ҳа, мумкин.

2020 йил 20 октябрдаги "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги қонуннинг 49-моддасида "Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгаришига олиб келган иш ҳажмлари қисқарганлиги ёхуд ташкилот тугатилганлиги муносабати билан бўшатиладим, ишсиз деб эътироф этилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсияга чиқиш учун талаб этиладиган умумий меҳнат стажига эга бўлган шахсларга муддатидан олдин (қонун ҳужжатларида белгиланган умумий асосларга кўра пенсия тайинлаш муддатидан икки йил аввал) пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилди" деб қайд этилган.

Ўша аёллар 53 ёшга кирган, эрақлар 58 ёшга кирган ва талаб этиладиган иш ста-



жига эга ҳамда ишсиз деб эътироф этилган бўлса, муддатидан олдин пенсия тайинланади.

Фақат шунинг ҳам ҳисобга олиш лозимки, лавозим қисқартирилган, 53 ёшга кирмаган аёллар ва 58 ёшга кирмаган эрақларга қонунчиликда бундай ҳуқуқ берилмаган.

У.КАМИЛОВ, ҳуқуқшуно.

Беназир инсон, тажрибали раҳбар Шоди Носиров одамийлик, камтарлик ва меҳр-оқибатнинг қадрига етувчи меҳнатсевар инсон эди. У ўз фарзандлари ва шогирдларини ҳам ана шундай гўзал фазилатларга эга бўлишга даъват этарди. Умрини халққа хизмат қилишга бағишлаган Ш.Носировнинг ҳаёти ибратли, гапирса арзигулик ўтган.

Шоди раиснинг ибрат мактаби

Шоди Носиров 1911 йилда Жиззах шаҳрида туғилиб вояга етди. Бошланғич мактабни битириб, ўқитувчилар тайёрлаш курсида таҳсил олди. Сўнгра Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги мактаблардан бирида педагогик фаолиятини бошлади. Кейинчалик Жиззах туманида ўқитувчи, мактаб директори, туман маориф бўлими бошлиғи лавозимларида самарали меҳнат қилди. Ш.Носиров 1937 йилда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик мактабни битириб, уч йил давомида Фарғона, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида турли лавозимларда ишлади. Бу даврда ўзининг ташаббускорлиги, ташкилотчилик қобилияти билан кўзга ташланди. Шунингдек, қатор туманларда ёшлар ташкилотларини бошқарди.

Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида Қўшработ ва Булунғур туманлари партия ташкилотларини бошқарди. Урушдан сўнг олий партия мактабини тугатган Ш.Носиров тўрт йил давомида Тойлоқ тумани партия кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. Уруш тўғрисида анча заифлашиб қолган туман иқтисодиётини тиклаш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш йўлида чинакам фидойилик кўрсатди. Ш.Носировнинг ташаббуси билан туман хўжаликларини ихтисослаштиришга эътибор берилди, зарур техника воситалар ҳамда мутахассис кадрлар билан таъминланди. Натихада қисқа вақт ичида туман қишлоқ хўжалиги тикланди, боғдорчилик ва узумчиликда юқори кўрсаткичларга эришилди.



Камолиддин ҒАНИЕВ.

Ш.Носиров вилоят гўшт ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида махсус бирлашмаларни бошқариб, халқимиз дастурхонининг тўкин-сочинлигини таъминлашга катта ҳисса қўшди, ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Ш.Носиров нафақага чиққандан кейин вилоят ижроия кўмитасининг архив бўлими мудирини лавозимда фаолият юритди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони соҳиб, бир неча бор вилоят, Булунғур, Қўшработ туманлари халқ депутатлари кенгашлари депутатлигига сайланганди. Шоди Носиров ташкилотчи ва зийрак раҳбар сифатида кўпчилик орзу қиладиган умрни кўрди, юртимиз равнақида ўз ҳиссасини қўшди.

Илм излаб эъзоз топган устоз

Самарқанд заминидан вояга етиб, илм-фан сирларини эгаллаб, жамиятга муносиб ҳисса қўшганлар орасида Самарқанд давлат университетининг собиқ доценти, марҳум устоз Холиқ Шакаров ҳам бор эди.

Магнит ҳодисалари физикаси соҳаси билимдони, моҳир педагог, устоз бугун орамизда бўлмаса-да, унинг соҳа ривожига қўшган ҳиссаси ва биз шогирдларига кўрсатган меҳр-оқибатлари у кишини хотирлашга ундайверади.

Холиқ Шакаров 1947 йилда Қўшработ тумани Жўш қишлоғида туғилди. Унинг ёшлиги қийинчилик йилларига тўғри келди. 1965 йилда 56-сонли ўрта мактабни олтин медал билан битиргач, бир йил хўжаликда ишлади. Кейинги йил Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга кирди. Университетни муваффақиятли тугатган Х.Шакаровга Самарқанд давлат педагогика институтида ишлаш учун йўланма берилди.

Холиқ Очилевич беш йил давомида педагогика инсти-



туттида бўлажак физика ва математика ўқитувчиларига фан сирларини ўргатди. Кейинчалик профессор О.Қувондиқов раҳбарлигида илмий изланиш олиб борди. 1976-1983 йилларда университетда иш ўрганиш-тадқиқотчи, аспирант ва кичик илмий ходим сифатида ишланди. У магнит қабул қилувчанлигининг ҳароратга

боғланишини уй ҳароратидан 2000 °С ҳарорат оралиғида ўлчайдиган, юртимизда ягона бўлган курилгани ихтиро қилди. Шунингдек, магнит қабул қилувчанликини ўлчаш орқали намуналарнинг асосий ва уйғонган ҳолатлардаги квант характеристикаларини ва магнит моментларини Кюри-Вейсс қонуни орқали ҳисоблаш бошлаб университет магнит ҳодисалари физикаси кафедрасида доцент бўлиб ишлади. Унинг раҳбарлигида бешта номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Холиқ Шакаров яна педагогика институтининг физика ўқитиш услубияти кафедрасида катта ўқитувчи, умумий физика кафедрасида доцент лавозимларида талабаларга сабоқ берди. 1992 йилдан бошлаб университет магнит ҳодисалари физикаси кафедрасида доцент бўлиб ишлади. Унинг раҳбарлигида бешта номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Бугунги кунда унинг ҳаммуаллифлигида яратилган «Тест-физика», «Механика»,

«Электр ва магнетизм курсидан лаборатория машғулоти учун виртуал электрон дарслик» каби ўнлаб ўқув ва услубий қўлланмаларидан талабалар муҳим дарслик сифатида фойдаланишмоқда. Домланинг магнетизм соҳасидаги илмий ишлари хориж олимлари томонидан юқори баҳоланган. Унинг термомангнит таҳлили рентген таҳлилига нисбатан жуда қулайлиги учун бугунги кунда ундан кенг қўлланилмоқда. Олим 300 дан ортиқ илмий, илмий-услубий ишлар ва услубий қўлланмаларнинг муаллифидир.

Х.Шакаров халқаро INTAS танловининг совриндори бўлган. Республикада ягона «Магнит ҳодисалари физикаси» мутахассислиги бўйича илмий кенгаш аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатган.

Устоз ҳимматли, тоза қалб ва очикқўл инсон эди. Ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмасди. Атрофдагиларга меҳрибон, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамларини аямасди.

Бугун устоз Холиқ Шакаров орамизда бўлмаса-да, университетнинг умумий физика кафедраси жамоаси унинг илмий ишларини давом эттириб, ҳақларига доимо дуода бўлмоқда.

Рустам РАЖАБОВ.

Иқтисодий назария билимдони

Эрлис Алиқулов номи юртимиздаги иқтисодчилар, олимларга яхши таниш. Домла ҳақида гап кетганда уларнинг ўз фикри, илиқ таассуротлари бор. Бинобарин, Пайриқнинг олис Каттатурк қишлоғида туғилиб ўсган ва ўқиб изланиб иқтисодий назария фанининг йирик дарғасига айланган олим том маънода юртимиз иқтисодчиларининг фахри эди.



Э.Алиқулов 1939 йилда Каттатуркдаги 8-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, шу йили Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди. У университетни имтиёзли диплом билан битиргач, илмий-педагогик фаолиятини 1961 йилда СамДУнинг сиёсий иқтисод кафедрасида ассистентликдан бошлади. 1963-1966 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтининг аспирантурасида ўқиб, ўзининг номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У дастлаб Самарқанд давлат университетининг сиёсий иқтисод кафедраси

катта ўқитувчиси, доценти лавозимларида ишлади. Кейинчалик Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг кафедрасида мудири лавозимда меҳнат қилди. Ёш олим ўз устида мунтазам ишлашда давом этиб, 1985 йили иқтисод фанлари доктори илмий даражасини, 1986 йилда эса профессор илмий унвонини олди. 1986 йилда Самарқанд кооператив институти (ҳозирги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти) ректори лавозимига тайинланди. 1989 йилдан институтнинг сиёсий иқтисод кафедрасида, 1991 йилдан СамДУда профессор лавозимда илмий фаолиятини давом эттирди.

Устоз 1974-1988 йиллар мобайнида «Экономические науки» журналининг Ўзбекистондаги минтақавий расмий жамоатчи мухбири, 1989-1991 йилларда шу журналнинг таҳрир хайъати аъзоси, 1990-1992 йилларда Олий Аттестация комиссиясининг сиёсий иқтисод, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар ҳамда махсус иқтисодий фанлар бўйича эксперт кенгаши аъзоси сифатида фаолият кўрсатди.

Э.Алиқуловнинг 150 дан зиёд илмий-тадқиқот ишлари республика жур-

наллари, тўпламлар ҳамда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да чоп этилган.

Э.Алиқулов, Санкт-Петербург давлат университетининг иқтисодий назария кафедраси билан доимий илмий алоқада бўлиб, университетда нашр этиладиган «Проблемы современной экономики» журналининг Евросиё бўйича халқаро илмий-таҳлилий раҳбарияти ташаббуси билан 2004 йилдан бошлаб журналнинг таҳририй кенгаши аъзоси ҳамда Самарқанддаги (Ўзбекистондаги) расмий вақили, 2006 йилдан бошлаб эса журнал бош муҳаррирининг минтақавий биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Э.Алиқулов йирик мақолалари билан ўзига хос илмий из қолдирди ва жаҳонга танилди. Иқтисодий назария фанининг энг долзарб категориялар ва методологик муаммолари билан шуғулланиб, Ўзбекистонда иқтисодий назария фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Домла 2010 йилнинг 14 октябрь кунини 71 ёшида вафот этди. Биз ҳаётда камтар, фанда чинакам илмийликни талаб қилишда қатъиятли устоз-олимга шогирд бўлганимиздан фахрланамиз.

Асқар ДЖУМАЕВ.

Зукко олим, бетакрор нотиқ

Ўзбек тилшунослиги заҳматқашларидан бири, ҳаётини фанимизга тараққиёти ва баркамол авлод тарбиясига бағишлаган таниқли олим Абдували Абдусайдов серқирра илмий-ижодий ҳаёт йўлини босиб ўтган.



У нафақат шогирдлари, балки кўпчилик ёшларга илмдагина эмас оила тутуми, ҳаёт йўли ва бошқа жиҳатлари билан ҳам ўрнак бўлган, ибрат кўрсатган. Албатта, устознинг сифатлари ҳақида узоқ гапириб бўлмайди. Муҳими, домла ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларини ечиш ва тараққиёт тамойилларини аниқлашда теран назарий ҳулосаларни ўртага ташлаб, соҳа ривожига ҳисса қўшган фидойи, зуқко олим эди.

Абдували Абдусайдов 1957 йилда Оқдарё туманининг Пўлатдархон қишлоғида туғилган. 1974-1979 йилларда Самарқанд давлат университетининг филология факультетига таҳсил олган. Сўнгра ўрта мактаб ўқитувчиси, СамДУ таҳрир-нашриёт бўлимида муҳаррир ва бўлим мудирини лавозимларида ишлаган.

Мана шу йилларда у ўзининг кейинги ҳаёт йўлини белгилаб олган. Домла 1988 йилда номзодлик, 2005 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1996-1999 йилларда университет бош илмий котиби лавозимда, 1999-2004 йилларда Ўзбекистон ФА Самарқанд бўлими бош илмий котиби ҳамда илмий ишлар бўйича раис ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатган. 2005 йилда СамДУ филология факультети декани, университет бош илмий котиби, ўзбек тилшунослиги кафедраси мудирини лавозимларида ишлади.

Профессор А.Абдусайдов фаолияти давомида яратган кўплаб монография, рисола ва тадқиқотларида, айниқса, талабаларга сабоқ беришда нотиклик сирларининг назик қирраларини содда ва раван тушунтирар, қўйилган мавзунинг чуқур таҳлил қилар, асосланган умумий ҳулосаларга келар эди. Шу жиҳатдан, устоз яратган «Матбуотда адабий нормага амал қилиш муаммолари»,

«Матбуот тили маданияти», «Хужжат тили ва услуби», «Газета жанрларининг тили ва услуби», «Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати», «Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти», «Глобаллашув жараёни ва давлат тили муаммолари», «Тил маънавияти ва нутқ маданиятининг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш ишига жиддий ҳисса бўлиб қўшилди.

Ажойиб нотиқ, ўз соҳасининг билимдони А.Абдусайдов нутқ маданияти, матбуот тили ва услубишунослик фанларидан йиллар давомида юксак маҳорат билан дарс бериб келди. Олим 2004-2014 йилларда республика парламентининг тил ва маданият масалалари бўйича эксперти сифатида фаолият кўрсатди ва ўзбек тилининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида устувор қўлланиши учун ўз меҳнатларини аямасди.

Яхшлик, эзгулик учун яшаган инсонлар ҳамisha барҳаётдир. Устознинг бой ҳаётий тажрибаси, одамийлик хислатлари шогирдларига ибрат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Домланинг умри қисқа экан. Аммо у ўзидан катта илмий мерос билан бирга маърифатли хонадон қолдирди. Фан тараққиёти, жамият ривожини ўзининг бурчи деб билган А.Абдусайдовнинг ишини бугун фарзандларини давом эттиряпти.

Шерзод НОРМУМИНОВ, Фурқат НУРМОНОВ, Миржалол БОБОТОВЕВ.

Ёш физикларни қўллаган устоз

СамДУ физика факультетида ўқув жараёнини ташкил этишда фидойилик кўрсатган, факультет ва кафедрага раҳбарлик қилган, бугунги кунда орамизда бўлмаса-да жамоадoshлари қалбидан жой олган инсонлар кўпчиликини ташкил қилди. Шундай инсонлардан бири доцент Неъмат Бадаловдир.



Неъмат Бадалов 1928 йилда Кармана туманида туғилди. 1959 йилда Ўзбекистон давлат университетининг (ҳозирги СамДУ) физика-математика факультетини муваффақиятли тугатиб, ишни умумий физика кафедрасида ассистентлик лавозимидан бошлади. Сўнгра Ўзбекистон Фанлар академияси физика-техника илмий тадқиқот институтида стажёр-тадқиқотчи бўлди, СССР ФАнинг Ленинград физика-техника институтида аспирантурада таҳсил олди.

Домла номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, тезда Ўзбекистонга қайтиб Ўзбекистон Фанлар академияси ядро физикасида фаолиятини давом эттирди. 1965 йилда СамДУга қайтиб, умумий физика кафедрасида аввал катта ўқитувчи, кейинчалик доцент лавозимда ишлаб, ўзининг ташаббускорлиги, билими билан жамоада

обрў қозонди. Неъмат ака меҳнатсеварлиги ва раҳбарлик салоҳияти туфайли физика факультети декани лавозимда ишлаган йилларда факультетда ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар юқори даражага кўтарилган, факультетда ўнлаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратилган эди. Домла 1971-1983 йилларда университетнинг салоҳиятли профессори Муса Мўминов асос солган ядро физикаси кафедраси мудирини лавозимда ишлади. Бу даврда кафедрада илмий-тадқиқот ишларини кучайтирди, ёш кадрлар етишиб чиқиши учун бор билим, тажрибасини қўллади. Шу билан бирга, ёш мутахассисларнинг ЎзФА ядро физикаси ва Бирлашган ядро тадқиқотлари институтида (Москва) ўқиши, малака ошириши, тажриба орттириши, илмий ишлар қи-

лиши учун зарур шароитларни яратиб берди, бу хайрли ишларга бош-қош бўлди. Неъмат Бадалов 80 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, кўплаб шогирдларга устоз, қатор дарслик ҳамда факультетда ўнлаб дарсликлар, ўқув қўлланмалар яратган олим эди. Домла илм ривожини йўлида қилган хизматлари учун «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланган, «Меҳнат ветерани» медалига соҳиб, «Олий мактаб аълочилиги» ва қатор фахрий ёрликларга сазовор бўлган эди. Бугунги хотира ва кадрлар кўнларида устозни ёдга олиш, унинг руҳини шод қилиш биз, шогирдларнинг бурчи бўлса, улар қолдирган бой меросни ўқиб-ўрганиш, тадқиқотлар қилиш ёшлар учун улкан имконият, таъбир жоиз бўлса ибрат мактабидир.

Абдурашид ЭШБЎРИЕВ.

9 май – Хотира ва кадрлар кунини муносабати билан Ургут тумани давлат хизматлари маркази ҳамда 1-ФХДЁ бўлими ходимлари Испанза қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бўрон бобо Гадовнинг хонадонидан бўлди. Фахрий отахон ва оила аъзоларига сайёр давлат хизматлари кўрсатилди.

Уруш қатнашчиси 98 ёшида туғилганлик гувоҳномаси олди




Юз ёшни қоралаётган отахоннинг шу пайтга қадар туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси йўқлиги аниқланиб, ушбу хужжат шу ернинг ўзида расмийлаштирилиб берилди. Суҳбат чоғида кўпни кўрган отахон пенсия миқдори тўғрисида маълумотнома кераклигини айтиди. Марказ ходимлари қисқа фурсатда ушбу мурожаатни рўйхатга олиб, бир неча сонияларда маълумотномани тақдим этишди. Шунингдек, хонадон аъзолари

кадастр хужжатларида муаммолар борлигини билдирди. Ушбу масалага ижобий ечим топши мақсадида туман ҳокимлигига хат чиқарилди. Беш фарзандни уйли-жойли қилган отахон 24 набира, 80 эвара, 10 дан ортиқ чеваралар ардоғида бугунги кунларга шуқроналар айтиб, биз билан ёнма-ён умргузаронлик қилмоқда. Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси ахборот хизмати.

СУҒДНИНГ ШИМОЛИЙ ТЕМИР ДАРВОЗАСИ ТОПИЛДИ

ёхуд Самарқанд – Нурота йўлидаги қадимий шаҳарлар қандай бўлган?

2012 йилда Қўшработ тумани ҳудудида жойлашган археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш ва уларни “Самарқанд вилояти археологик ёдгорликлари ҳа- ритаси”га киритиш борасидаги ишларни Жўш қишлоғидан шимолий ҳудудда жойлашган Мижғувон, Чалғир ва Қорабўғ қишлоқларидан бошладик. Мижғу- вон қишлоғида яшовчи Жўрақул ака бизга қишлоқлар атрофида ва тоғли ҳудудлардаги ёдгорликларни кўрсатиш истагини билдирди. Узи ҳам бу ёд- горликларнинг тарихига жуда қизиқишини айтди. Шу тариқа Жўрақул ака ўз ташаббуси билан бизга йўлбошловчилик қиладиган бўлди.



Узоқ йиллар давомида кўравериб, кўзимиз пи- шиби кетган ва бизга таниш бўлган ўрта асрлар даврига, XII-XIII асрларга оид сопол идишлар парчалари. Қўлимда сополлар, “Жўрақул ака, ҳақиқатан ҳам бу қалъани Чингизхон бузган, деган гаплар тўғрига ўхшайди, манави сопол- лар ҳам айнан ўша даврларга оид” дедим. Бир вақтлар одамлар гавжум бўлган ва ҳозирда харобага айланиб ётган бу жойлар одамда тушкун кайфият, ачиниш ҳиссини уйғо- тади.

Қалъа харобаларини икки соатча кўздан ке- чирганимиздан кейин, биринчи қалъадан 15-20 метр баландроқда жойлашган иккинчи қалъага йўл олдик. Қалъа барча томонлари жуда тик бўлган қоя устига қурилган бўлиб, унга фақат жануб томонидаги торгина сўкмоқ орқали чиқиш мумкин. Қалъа бутунлай вайрон этилган ва мезморий ҳуссияларини тамоман йўқотган. Фақат баландлиги 5 метрча чиқадиган улкан тошнинг устида пахса деворнинг озгина харо- балари кўриниб турибди. Яккам-дуккам сопол парчалари учрайди.

Ушбу қалъалар бир вақтда фаолият кўр- сатган ва улар Темир дарвозадан Жўш томон- га кираётган карвонларни назорат қилган. Пастдаги катта қалъада қўриқчи лашкарлар ёки божхоначилар яшаган бўлса, баланд қалъада уларнинг бошлиқлари хизмат қилган.

“Темир қапиг” ва унинг таркибидagi бу қалъалар чинакам кашфиёт эди. Биз шу пай- тгача Ўзбекистон тарихида умуман номаълум бўлиб келган Суғднинг шимолий темир дарво- засини тошган эдик.

Темир дарвозалар ҳамиша стратегик аҳамиятга эга, таъбир жоиз бўлса, халқаро мақомдаги йўللарда қурилган. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари чегарасидаги Темир дарвоза Ўрта Осиёнинг энг йирик тарихий ўлкалари Суғд ва Бактрияни боғлаб турган, Самарқанддан, Бухородан келиб Бактрия орқали Ҳиндистонга кетган халқаро йўл усти- да қурилган.

Суғд-Суғдиёна (ҳозирги Самарқанд, Қашқа- дарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудла- рини ўз ичига олган йирик тарихий-географик ўлка – Р.А.) ўлкасининг тарихий-географик манзарасини ҳамда қадимий йирик шаҳарлари жойлашувини кўз олдимизга келтириб, Суғд- нинг ушбу шимолий темир дарвозаси фаолияти ва аҳамиятини тасаввур қилиш мумкин.

Қадимда Бухородан Нурота орқали Жўшга келган йўл ушбу темир дарвоза орқали ўтиб, Сирдарё бўйида жойлашган Ясси ва Ўтрор шаҳарларига ҳамда Тошкентга кетган яқин йўл ҳисобланади. Шу билан бирга Бухородан Нуротага келиб, Жўшга кирмасдан Нурота тоғларининг шимолий ҳудудлари бўйлаб Ясси, Ўтрор ва Тошкентга кетадиган йўл ҳам бўлган. Темир дарвоза мана шу йўлларнинг тугунида жойлашган ва унинг қадимий мутасаддилари ҳар иккала йўлни ҳам назорат қилган бўлиши

мумкин. Самарқанддан Жўшга келган йўл жуда серкатнов ва катта аҳамият касб этган. Саба- би, бу йўл устида жойлашган Челақ (Видор), Соғарж, Кўргонтена, Даврқўргон ва Жўш (Бекқўргонтена) шаҳарлари юксак даражада ривожланган.

Бу йўл қадимий Самарқанд шаҳридан бошланган ва тўғри шимолга қараб кетган. Қадимда йирик шаҳарлар орасидаги йўллар акса- рият ҳолларда бир кунлик бўлган, яъни бирон шаҳардан тонгда йўлга чиққан карвон кеч кир- ганда иккинчи шаҳарга етиб борган. Улар бир кунда ўртача 4-5 фарсах (27-30 км) масофани босиб ўтган. Ўрта асрларда юртимизга кел- лан араб сайёҳлари Мовароуннаҳр шаҳарлари тўғрисида маълумот берганларида, Самарқанд, Бухоро, Насаф, Термиз каби марказий шаҳар- лардан неча фарсах масофада жойлашганлиги- ни қайд этган. Шу тариқа кейинги сайёҳларга ўз саёхатларини режалаштиришларига замин яратган.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида илк ўрта асрларда ва ўрта асрлар- да Нурота тоғларининг шимолий ҳудудларида, аниқроғи, Сентоб қишлоғи атрофида катта миқдорда олтин қазиб олинганлиги аниқланган. Археолог олим Г.Я.Дресвянскянин фикрига кўра, Сомонийлар сулоласи даврида фақатгина Сентоб конларидан ўртача 3600 кг атрофида олтин қазиб олинган. Мана шу олтин рудалари ҳам шубҳасиз, темир дарвозада яшаган қўриқ- чилар назоратида бўлган. Бу ҳимоя иншооти- нинг нунёд этилганлиги мана шу қимматбаҳо металл ва металл конлари ҳам сабаб бўлган бўлиши эҳтимолга экин. Темир дарвоза орқали Суғдга катта миқдорда олтин ҳам кирган. Бу олтин ҳам шубҳасиз, жўшлик малакали метал- лурлар томонидан қайта ишланган, албатта. Шунинг учун Жўшни ўрта асрлардаги йирик саноат шаҳри сифатида талқин қилиш мумкин.

Фикримизча, Бекқўргонтена Мовароуннаҳр- нинг юзлаб катта-кичик шаҳарлари қаторида 1219-1220 йилларда Чингизхон босқини дав- рида вайронга айланган бўлса керак. Чунки Чингизхон Бухорога Нурота тарафдан келган- лиги тарихдан маълум. Нуротага эса Темир қо- вуқдан ўтиб, Жўш орқали келган бўлса керак.

Ўрта асрлар ёзма манбаларида айтилишича, Чингизхон қўшини Сирдарёдан кишида музла- ган дарё устидан юриб ўтган. Улар Нуротага кетишда аввал Зарнук қалъасига дуч келган- лар. Чингизхон ўз одатига кўра, қалъани қамал қилишдан аввал қалъага Донишманд Хожиб деган кишини элчи қилиб жўнатиб, қалъа ҳимоячиларидан ўз хоҳишлари билан таслим бўлишларини сўраган. Донишманд Хожиб қалъа ҳимоячиларини таслим бўлишга кўндирган ва уларнинг ҳаёти ва мол-мулклари сақланишига ваъда берган. Шу тариқа ҳимоячилар шаҳар дарвозаларини очиб берганлар. Чингизхон қалъага кирган, ваъдага кўра уни вайрон этма-

ган, аҳолисини қирмаган, фақат унинг мудофа- аланган арқини бузишни буюрган, холос. Чин- гизхон қалъа ҳимоячиларидан ёш ва бақувват йигитларни қўшин сафига олиб, Нуротага қараб йўлга чиққан.

Қалъа ҳимоячилари ўз хоҳишлари билан таслим бўлганлиги ёки уларнинг бир қисми қўшин сафига олингани боисми Чингизхон кетишда Зарнук қалъасига “Қўтлугъ балик”, яъни “бахтли шаҳар” деб ном берган. Зарнук қалъа- си ҳозирги Зайноқ қишлоғи атрофларидаги қалъалар бўлиши мумкин.

Манбаларда айтилишича, Зарнук қалъаси ҳимоячилари орасида бир туркман бўлиб, у Чингизхонга Нуротага олиб борадиган номаъ- лум йўлни кўрсатган ва мўғул қўшинини мана шу йўлдан бошлаб борган. Чингизхон Нуротага қараб юрган йўл кейинчалик “Хон йўли” деб атала бошлаган. 1251 йилда мана шу йўлдан Чингизхон ва унинг авлодлари тарихини битган тарихчи олим Ота Малик Жувайний ўтган.

Савол тугилади – зарнуқлик туркман кўр- сатган “номаълум йўл” қаердан ўтган? Агар Чингизхон қўшини Нурота тоғларининг шимо- лий ён бағри бўйлаб ястаниб ётган чўл орқали кетган бўлса, бу йўлни номаълум деб бўлмай- ди, чунки бу йўл орқали ҳеч бир адашмасдан тўғри Нуротага бориш мумкин. Қолаверса, бу ерда аниқ бир йўналишдаги йўлни кўрсатиш- нинг ўзи мушкул. Зарнуқлик туркман “сотган” номаълум йўл – шубҳасиз, биз томонимиздан таърифланаётган, “Темир қапиг” орқали Жўшга келган йўл. Агар туркман бу йўлни кўрсатма- ганда, Чингизхоннинг улкан қўшини бу тор дарадан юрмасдан чўл орқали тўғри Нуротага кетавериши мумкин эди. 1582 йилда айнан мана шу йўлдан Жўш томонга Абдуллахон ҳам катта қўшин билан ўтиб, йўл-йўлакай Абдул- лахонбанди сув омбори тўғрисида қуришга буйруқ берган. Шунинг учун зарнуқлик туркман кўрсатган номаълум, кейинчалик “Хон йўли” деб аталган йўл “Темир дарвоза” орқали Жўшга кетган йўл, дейишга асосимиз бор. Демак, Абдуллахоннинг катта қўшинини сиғдирган йўлдан қадимда Чингизхон қўшини ҳам бема- лол юриши мумкин бўлган. Чингизхон мана шу юришида мақолада юқорида айтиб ўтилган иккита қалъани ҳам вайрон қилган.

Жўш шаҳри номи ёзма манбаларда Хазо- ражўш номи билан тилга олинади. XVI аср тарихчиси Ҳофиз Таниш бек Мир Мухаммад Бухорийнинг “Абдулланома” асарида шундай сатрлар бор: “(Абдуллахон) Темур қобуқдан Нуротага боришда Хазоржўш водисидида жой- лашган Оқчаб орқали ўтди. Бу водийда баҳорда сел сувлари тўпланади ва бу сувлардан дехқон- чилик учун жуда оз фойдаланилади. Шунинг учун у (Абдуллахон) Аҳмад Али-Оталиқ най- манга мана шу тор дарада Сомон йўли янглиғ тўғон қуришга буйруқ берди”. Бу маълумот Аб- дуллахоннинг 1582 йилда жанубий Қозғистон ҳудудларига қилган юришларидан Бухорога қайтиши шарафига битилган бўлиб, унда Темир дарвоза (Темир қобуқ), Жўшнинг қадимий номи ва Қўшработнинг Оқчаб қишлоғидан юқори томонидаги Бекларсойда қурилган Абдуллахон- банди тўғони тўғрисида гап кетган. Абдулла- хонбанди сув омбори тўғонининг қолдиқлари ҳозиргача сақланиб қолган.

Самарқанддан Нуротага борадиган йўл Жўшдан ўтиб Чўя қишлоғига етиб борган. Қишлоқ чеккасида сўнги ўрта асрларга оид йирик карвонсарой қолдиқлари кад ростилаб турибди. Қишлоқнинг кунботар томонида йирик ўрта асрлар ёдгорлиги ястаниб ётибди ва бу ёдгорликни ўрта асрларда карвон йўлида фа- олият кўрсатган навбатдаги манзил сифатида талқин қилиш мумкин.

Қадимий Катта Суғд тумани (ҳозирги Пай- арқик ва Қўшработ туманлари) ҳудудлари ва уни ўртасидан кесиб ўтган Самарқанд-Нурота йўли қадимий илдирига эга. Бу йўлни бугун замонавий туризм йўлига айлантириш, бу йўл- да жойлашган қадимий ва ўрта асрларга оид шаҳарлар, қишлоқлар ва қалъалар қолдиқлари- да археологик тадқиқотлар олиб бориб, уларни “Очиқ осмон остидаги музей”ларга айланти- ришни таклиф қиламан.


Абдусобир РАИМҚУЛОВ,
ЎЗР Фанлар академияси археология
институтини бўлим бошлиғи,
тарих фанлари доктори.

Оқдарё тумани Авазали маҳалласида томорқасининг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланадиганлар кўп. Улардан бири Ҳасан Искан- даров. У бир неча йил чет давлатларда ишлади. Ма- шаққатли бўлса-да ҳалол меҳнати орқали топган пули баракали бўлди. Ҳасан ака қишлоғига қайтгач ўзининг 15 сотихлик томорқасидан 8 сотихида иссиқхона ташкил қилди.

Қулупнай қутиларда пишди



– Бу ерда 60 туп лимон, помидор, бодринг, булғор қалампери ва кўкат экканман, – дейди у. – Синов тариқасида иссиқхонада лимон қатор ораларига қатма-қат тахланган қути- ларда қулупнай парвариш қиляпман. Ҳозир экилган кўчатлар қулупнай- нинг маҳаллий навидан. Агар бу синов-тажрибам яхши натижа берса Туркиядан бир йилда уч марта ҳосил берадиган қулупнай кўчатларини келтириб экман.



Ҳасан Искандаров иссиқхонасида- ги экинлар парваришида томчилатиб сўғориш усулидан фойдаланади. У сувнинг ҳар бир томчиси, ерининг ҳар бир қаричининг қадрига етадиган деҳқонлардан. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда унинг ишида унум, рўзғорида барака бор.
Тўлқин СИДДИҚОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

У киши Нурота тоғларининг шимолий қисмида жойлашган машҳур “Нурота” бўрдоқи- чилик совхозида кўп йиллар зоотехник бўлиб ишлаган экан. Бу тоғли ҳудуднинг ҳар бир сўкмоғини, ҳар бир тошини беш қўлда билиши менда катта таассурот қолдирди. Бу ҳудудда- ги соиларда юзлаб қоятош суратлар ҳам бор экан. Жўрақул ака шоғирдим, қоятош суратлар бўйича мутахассис олим, қўшработлик Азбид- дин Холматовга йўл кўрсатиб кета бошлади. Йўл-йўлакай бир неча қадимий тепаликларни ҳамда ноёб археологик ёдгорликлар сирасига кирувчи жуда кўп қоятош суратларни рўйхатга олдик.

Булоқ бўйида озроқ тин олиш учун ўтирга- нимизда, Жўрақул ака менга: – Сизга бир саволим бор. Мана шу сойни энг охирида, текисликка чиқиш жойида битта қишлоқ бор, номини одамлар ҳар хил аташади. Биров “Темир қовуқ”, дейди, яна биров “Темир қовок”, дейди, бошқа бирови эса “Темир қобиқ”, дейди. Уларнинг қайси бири тўғри, нима дегани ўзи бу? – деди.

– Нима, ўша томонда Темир қовуқ деган қи- шлоқ борми, ҳеч эшитмаган эканман, – дедим.

– Бу қишлоқ анча йиллар аввал Темир қовуқ деб аталарди, асли номи ҳам шу, кейинчалик Нурота совхозини бўлиб кетди. Эски номи унути- лаёзган эди, мустақилликдан кейин яна Темир қовуқ деб аталаяпти, – деди.

– Ўша Темир қовуқ қишлоғига яқин жойда бирон-бир қалъа қолдиқлари борми? – Ҳа бор, бир эмас, иккита қалъа бор. Одам- ларнинг айтишича, бу қалъаларни Чингизхон йўқ қилган экан.

– Сиз менга ниҳоятда муҳим тарихий маъ- лумотни айтдингиз. Темир қовуқнинг асл номи “Темир қапиг”, бу қадимий туркийча атама бўлиб, араб тилида “Боб ал-Ҳадид”, форс ти- лида эса “Дар-и Оҳанин”, мўғул тилида “Темир қахалқа” дейилади. Уларнинг барчаси ягона “Темир дарвоза”, деган маънога эга. Худди шундай “Темир қапиг” деган жой Қашқадарё билан Сурхондарёнинг чегарасида, Дарбанд деган жойда, иккинчиси Жиззахга боришда Илонўтти дарасида бор, – дедим.

Икки чақиримча йўл босганимиздан кейин катта бир қоя тағида тўхтадик.

– Мана шу қоя устида, мўв тепада қалъа бор, бу ердан чиқа олмайсиз, тоғ томондан айланиб келамиз, – деди йўлбошловчи.

Тоғ томондан айланиб қоя устига чиқдик. Қоя чеккасида пастга қарасангиз, юрагингиз уюшади, тоғ томонини ҳисобга олмасангиз, ҳар уч томондан қояга фақат қўш учиб чиқа олади. Кўз олдимизда деворлари тошдан қурилган ва кейинчалик харобага айланган улкан қалъа қолдиқлари ястаниб ётибди. Кўнчиқар томонда ягона дарвозанинг ўрни яққол кўзга ташлана- ди. Ундан ичкарига кирдик. Уртасида ховлиси ҳам бор экан. Атрофга айланиб, хоналарни санай бошладим, олтишгача хона мавжуд. Хоналарнинг аксарияти ташқи девор бўйлаб ичкарида икки қатор бўлиб ёна-ён жойлаш- ган. Уларга ховли томондан кетган йўлаксимон узун коридорлардан кирилади, худди казарма- ни эслатади. Хоналар сони бу қалъада юз-юз йиғирмата одам ашаганлигини кўрсатади. Ховлининг бир чеккасида каттақон яргучоқ бўлаги ҳам учради. Атрофда сопол парчалари сочилиб ётибди, ўн-ўн бештасини териб олдим.

дов Базор Махмудовичга (2019 йил 20 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрлар- нинг Ҳақимова Игорга Ҳикматовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда марҳум Ортиқбо- ева Назира Мелиевнага (2017 йил 10 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўр- ларнинг Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларга мурожаат этишларини сўраймиз.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 09.07.2004 йилдаги ҳал қилув қарорига ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимининг 20.09.2017 йилдаги 1666-Қ сонли қарорига асосан, Самарқанд шаҳри Зебинисобегим кўча- си, 1-бекр кўча, 10-«А» манзилда жойлашган

уй-жойнинг 1/2 қисми 1963 йилда туғилган Зоммер Татьяна Викторовна ва 1/2 қисми 1956 йилда туғилган Зоммер Михаил Викторовичлар номига 26.10.2017 йилда 352/55-сон билан давлат рўйхатига олинб, кадастр йиғма-жилди тайёрланган ҳамда бугунги кунда ўз кучида эканлигини маълум қиламиз. Шунга асосан маз- кур уй-жой учун 09.01.2012 йилда 150/34661-сон билан 1966 йилда туғилган Зоммер Татьяна Викторовна, 1956 йилда туғилган Зоммер Ми- хаил Викторович, 1971 йилда туғилган Зоммер Виктор Викторович ва 1963 йилда туғилган Зоммер Татьяна Викторовналар номига расмий- лаштирилган кадастр йиғма-жилди бекор қи- линади.

Самарқанд шаҳридаги «YMONA BARAKA FOOD» оилавий корхонасининг (СТИР: 305695248) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги собик 48-(ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 72-) умумий ўрта таъ- лим мактабидан 2010 йилда Хусенова (ҳозирда

Юнусова) Ҳанифа Равшан қизи номига берилган U № 4296306 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабаб- ли бекор қилинади.

Оқдарё политехника касб-ҳунар коллежидан 2014 йилда Темиров Ойбек Нематулло ўғли но- мига берилган рўйхат рақами 17, К № 3240011 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабидан 2010 йилда Отамуродов Шерали Шайдулла ўғли номига берилган O`R-SH № 1056915 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-сон академик лицейдан 2008 йилда Ризаева Луиза Мавлоновна номига берилган рўйхат рақами 032, L № 044241 рақамли дип- лом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Исмоилов Жаҳонгир номига берилган U № 1915369 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқол- ганлиги сабабли бекор қилинади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган- лари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Самарқанд вилояти кенгашининг тамғаси, ни- зомини, Самарқанд шаҳар кенгашининг гувоҳ- номаси, низоми, Нарпай тумани кенгашининг гувоҳномаси, низоми, Паст Дарғом тумани кенгашининг низоми, Самарқанд тумани кен- гашининг тамғаси, Ургут тумани кенгаши- нинг низоми, Қўшработ тумани кенгашининг гувоҳномаси, низоми йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд саноат-иқтисод коллежидан 2003 йилда Абдуллаев Гафур Худоеврови номига бе- рилган рўйхат рақами 413, T № 122149 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



«АЛЖ САМАРҚАНД» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

барча юртдошларимизни

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

билан табриклайди.



ХОНАДОНИНГИЗДАН

ҚУТ-БАРАКА, ФАЙЗ АРИМАСИН!



Хизматлар лицензияланган.



O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi



САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ

9 МАЙ

ватандошларимизни

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

билан самимий қутлайди.

БУГУНГИ ОСУДА, ФАРОВОН
ҲАЁТИМИЗ УЧУН ЖОН
ФИДО ЭТГАНЛАР
ХОТИРАСИ ОЛДИДА ҲАМИША
ТАЪЗИМДАМИЗ!



Хизматлар лицензияланган.

«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ»

акциядорлик жамияти Самарқанд филиали

Юртдошларимизни

9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

билан
муборакбод
этади.



БАРЧАНГИЗГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ХОТИРЖАМЛИК
ТИЛАЙМИЗ. ЮРТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

Хизматлар лицензияланган.

АИТБ «ИПАК ЙЎЛИ»

банки Самарқанд филиали



халқимизни, мижозлари ва ҳамкасбларини

Хотира ва қадрлаш куни

билан табриклайди.

НУРОНИЙ ОТАХОН ВА МУНИС
ОНАХОНЛАРИМИЗГА УЗОҚ УМР, ЯХШИ
КАЙФИЯТ ТИЛАЙМИЗ. ЮРТ РАВНАҚИ
ЙЎЛИДА ЖОН ФИДО ҚИЛГАНЛАРНИНГ
ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!



ИПАК YO'LI BANKI
Хизматлар лицензияланган.



www.zarnews.uz



<https://www.facebook.com/zarnews.uz>



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz

Оқдарёда хотин-қизларни касбга ўргатиб, уларга ҳаётини ўнглаб олишлари учун ишонч, мотивация берибгина қолмай, режалари аниқ бўлса, маблағ билан таъминлашни ҳам кўзда тутган марказ иш бошлади.

Оқдарёлик аёллар "Чойхона"га боради

Одатий, бизнинг тасаввуримизда касбга ўқитиш марказларида фақатгина ўқув мосламалари билан жиҳозланган хоналар мавжуд. Аммо ушбу марказда кир ювиш, болалар хоналари ҳам бор. Сабаби оддий - марказда ёши чегараланмаган, эҳтиёжманд хотин-қизлар тахсил олади. Тахсил олиш мобайнида фарзандлари шу ерда машғул бўлишлари учун хона, ҳатто кирларини ювиб олиш учун автомат кир машиналар ҳам шай этиб қўйилган. Мазкур "Чойхона" кишлоқ ахборот-ресурс маркази "Сабр" республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази томонидан ташкил этилди.

Марказнинг бундай номланишига асосий сабаб - унинг фақатгина хотин-қизларни касбга йўналтириш эмас, балки шу ҳудудда аёлларнинг келиб, китоб ўқишлари, хамсуҳбат бўлишлари, фикрларини ўртоқлашишлари, ўзларини ривожлантиришлари учун шароитларнинг мавжудлигидир, - дейди "Сабр" республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази раҳбари Мавлуда Ширинова. - Мамлакатимизда илк бор айнан Оқдарё туманида ташкил этилаётган "Чойхона" кишлоқ ахборот-ресурс марказининг ўзида шу атрофдаги 27 нафар хотин-қиз иш билан банд бўлди. Олти йўналишда касб-хундор ўрганадиган аёлларга тренерларимиз томонидан бизнесни юритиш, ҳаётга ишонч, муомала-муносабат каби қатор йўналишлар бўйича тренинглари олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан "2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси" ишлаб чиқилди ва ушбу ҳамкорликда бошланган лойиҳанинг асосий мақсади ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлашга йўналтирилган. Шу тариқа марказ томонидан Европа Иттифоқининг молиявий кўмагида «COVID-19 нинг Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларидagi ҳимояга муҳтож аёллар ва ёшларга таъсирини юмшатиш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун ННТЛарнинг институционал ва ташкилий салоҳиятини мустақамлаш» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа ижтимоий шерикчилик асосида амалга оширилиб, Меҳнат ва бандлик муносабатлари вазири билан ҳамкорликда йўлга қўйилмоқда.

Тўрт нафар вояга етмаган фарзандим бор, - дейди туманнинг Мустақиллик маҳалласида яшовчи Шарифа Туримова. - Турмуш ўртоғим ёлланма ишда ишлайди, бор-йўғи иккита хонаси мавжуд уйда яшаймиз. Қолаверса, руҳий хаста қайнонамни парваришлаш ҳам бизнинг зиммамизда, бу ёқда тўрт фарзандимиз. Уларни оёққа қўйиш учун уйда тикувчилик билан шугулланиб, озроқ пул топсам, дегандим. «Аёллар дафтари» рўйхатида турганим учун маҳалладагилар шу марказда ўқишимни тавсия қилишди. Ҳаётга, уйда тикувчилик қиламан.

Бундай аёллар бу ерда кўп. Навбатда турганлари сонин ҳам ошиб борапти. Рўзгоримга фойда тегиши, уйда ўтириб бўлса-да, озроқ пул ишлашим учун хунарли бўлай дея келаётганлар, аммо биринчи тахсилга улгурмаган аёлларга ҳам «Чойхона» ахборот-ресурс марказида вақтинчи мазмунли ўтказишлари учун шароит бор. Тикувчилик, пазадаллик, компьютер саводхонлиги, тўқиш, сартарошлик иши, миллий хунармандчилик бўйича замонавий шарт-шароитларга эга бўлган хоналарда ҳозирча 70 нафарга яқин хотин-қизлар тахсил олишади. Ҳар курси икки ойлик, ўн ой давом этадиган лойиҳа давомида 500 га яқин хотин-қиз касбга ўқитилиш режалаштирилган.

Худди шундай марказ Ургут туманида ҳам иш бошлади.

Г.КОМИЛОВА.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

9 МАЙ

Сулаймон ҲУСАЙНОВ - 1948 йилда Жомбой туманида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Мавлон ЖўРАҚУЛОВ - 1932 йилда Нурота туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.

10 МАЙ

Элибой ТАНИЕВ - 1941 йилда Паст Даргом туманида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор.

Ваҳоб ЭҒАМОВ - (1925-1995). Фориш туманида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ муорифи ходими. Тилшунос олим.

Зиёдулла МУҚИМОВ - 1942 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Юридик фанлари доктори.

Ҳотам ТўРАЕВ - (1941-2012) Самарқанд туманида туғилган. Техника фанлари доктори.

Шоир Омон Матжонни хотирлаб

1966 йили СамДУ ўзбек ва тожик филологияси факультетига ўқишга кирдим. Ҳали олий даргоҳ шарт-шароитига ўрганамай туриб, курсдошлар билан чуқур танишмай, сентябрнинг ўрталарида Сирдарё вилоятига пахта теримига чиқдик.

Бир куни ёмғир ёғди. Теримга чиқмадик. Пешинда ёмғир тинди, талабалар футбол ўйнашга тушди.

Сўри қилинган узун баракда яшаймиз. Иш билан ичкарига кирсам, ётоқнинг тўрида йиғиб қўйилган кўрпа-тўшакларга ёнбошлаганча бир йигит нимадир ёзаётган экан. Менинг кирганимга ҳам эътибор қилмади. Унинг кимлигини ҳам билмасдим. Мен бироз унга тикилиб туриб, ишимни битириб, чиқиб кетдим ва унинг кимлигини билдим. Бу йигит - 3-босқич талабаси, хоразмлик, бўлажак таниқли шоир Омон Матжон эди. Шундан сўнг мен уни кузатиб юрдим.

Омон ака обрўли талаба эди, домлалар ҳам ҳурмат қилишарди.



Пахта теримида ҳам маданий-маърифий ишлар билан машғул эди. Факультетнинг «Филолог» деворий газетасига Омон ака масъул эди. Унда талабалар ижодидан намуналар бериларди.

Бизнинг давримизда домла Нуриддин Шукуров ташкил қилган «Шалола» шеърят клуби фаолият юритарди. Аммо машғулотларни кўпинча Омон Матжон бошқарарди. Бу пайтга келиб Омон ака университетда танилиб улгурган, ижод намуналари даврий нашрларда тез-тез босилиб турарди.

Бизнинг курсдан дўстим Аҳмад Аъзам, хоразмлик Улибиби Отаева фаол эди.

Шоир Омон Матжон ҳақидаги фактларни, фикрларни устозимиз профессор Нуриддин Шукуровнинг битикларидан билиб олиш мумкин.

Домла чет тиллар факультети талабаларига «Адабиётшуносликка кириш» фанидан дарс ўтаркан. Шу ерда камсуқумгина талаба Омон Матжонни учратибди. Унинг бир нечта умумий дафтар тўла шеърларини ўқитибди. Қизиғи, шеърларнинг мазмунига мос расмлар ҳам чизилган экан. Домла билибдики, бу бола жуда ноёб истеъдод эгаси.

Қизиқиб сўрабди: - Сен нега ўзбек филологиясига кирмадинг?

- Мен аслида ўзбек филологиясига ҳужжат топшироқчи бўлиб келгандим. Бу ердаги шарт-шароитни билмасдим. Менга бир одам маслаҳат берди: ўзбек филологиясига танлов катта бўлади. Ўтолмайсан. Ундан кўра чет тиллар факультети

тетига ҳужжатингни топшир. Шу тариқа бу ерда ўқиб қолдим.

Н.Шукуров истеъдоднинг юзага чиқиши учун жиддий киришибди. Чет тиллар факультетининг декани Р.Муқимов иккаласи Омон Матжонни ўзбек филологияси факультетига ўтказишни сўраб университет ректори, академик В.Абдуллаевнинг ҳузурига кирибди. Ректор Омон Матжоннинг шеър дафтларини ўқигач, жуда севинибди ва масалани ижобий ҳал қилибди. Шоир Омон Матжон устозларининг хизматларини унутмади. Кейинроқ профессор Н.Шукуровга бағишлаб «Карвонлар» ва профессор Х.Дониёровга атаб «Энг сўнгги ҳазина» шеърларини ёзди. Устозларининг ишончини оқлади ва ХХ аср ўзбек шеърятининг таниқли шоирларидан бири бўлиб етишди. Шоирнинг биринчи тўплами «Очик дераза» 1970 йилда нашр этилди. Шундан сўнг «Карвон қўнғирғои» (1973), «Қўёш соати» (1974), «Ёнаётган дарахт» (1977), «Ярадор чақмоқ» (1979), «Сени яхши кўраман» (1981), «Дарахтлар» (1986), «Минг бир ёғду» (1989), «Ўртамизда биргина олма» (1990),

«Қуш йўли» (1993), «Имон ёғдуси» (1994), «Сайланма» (1997) каби китоблари ўқувчилар кўлига теги. Шоир шеърларининг мағзи тўқ, бадиий етук, ўқувчини ўзига ром этади. Мусиқийлиги юқорики, ўнлаб шеърлари ёқимли қўшиқ бўлиб халқимиз кўнглидан жой олган. Унга 1993 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилди.

Мен «Зарафшон» газетасининг 1969 йил 16 январь сонини сақлаб қўйибман. Унда Омон Матжоннинг «Самарқанд мухаммаси» шеъри босилган:

Шаҳримиз авжин бугун ҳур давру даврониди кўр, Ҳар чоғин бир ёнда ҳар ёнин бир чоғида кўр. Мен Омонни ёр ила дорилфунун боғида кўр, Тўйни бу кўркем шаҳар ичра қурмоқ ахдидан.

Айтмоқчиманки, Омон Матжоннинг етук адиб бўлишида Самарқанд давлат университетининг, унинг билимдон, зукко домлаларининг, Самарқанд адабий муҳитининг хизмати катта бўлган.

Қаюм ТУРҒОН, Нуробод, Жом.



Давлат-хусусий шерикликдаги боғчаларда ҳам ота-оналар учун имтиёз бор

Турмуш ўртоғим билан ажрашганман. Икки нафар фарзандим бор. Маҳалламизда давлат-хусусий шерикликда боғча очилди. Унга фарзандларимни бермоқчиман. Бу борада менга бирор имтиёз бериладими?

Гўзал ХОЛМЎМИНОВА.

Президентнинг 2020 йил 30 январдаги "Мақтабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, мулк хусусий шерик ихтиёрида қолдирилса, тарбияланувчилар умумий сонининг 25 фоизи миқдориди ва мулк битимнинг амал қилиш мuddати тугагандан кейин давлат шериги ихтиёрида қолдирилса, тарбияланувчилар умумий сонининг 15 фоизи миқдориди ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандлари имтиёз билан қабул қилиниши белгиланган.

Бунда ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар — кам таъминланган, аъзоларидан бири ногирон бўлган, боқувчисини йўқотган, боланинг ота-онаси квоталар бўйича минтакаларга тақсимланган ижтимоий соҳа ходимлари, тўрт ёки ундан кўп болалари бўлган оилалар хисобланади.

Сизнинг фарзандингиз юқорида келтирилган мезонларга тўғри келса, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилоти жойлашган ҳудудда давлат мактабгача таълим ташкилотларида белгиланган ота-оналар бадал тўлови миқдориди имтиёзли равишда қабул қилинади.

Темур ШУКУРОВ, Самарқанд шаҳар адлия бўлими ходими.

Каттақўрғон театрида янги спектакль

Каттақўрғон шаҳрида Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ижодий учрашувлар, спектакль премьералари ўтказилмоқда.

Айни кунларда Каттақўрғон шаҳар драма театри ҳам муҳлислар учун драматург Усмон Азимнинг "Бир қадам йўл", журналист ва ёзувчи Фармон Тошевнинг "Қалтис қадам" спектаклларини намойиш этиш билан бирга чех драматурги Иван Буковчаннинг "Қотил юраги" асарини асосида сахналаштирилган спектакл премьерасини ўтказди.

Асарда жаҳолат, қадрият ва жамиятга зид иллатларга қарши кураш мавзуси тараннум этилади. Иван Буковчан асар

қаҳрамони Луиджининг юраги орқали бу дунёдаги қабиҳликлар, нопок кимсаларнинг қилмишлари ҳақида ҳикоя қилади. Спектакль режиссёр Ҳабиб Абдуллаев томонидан сахналаштирилди. Бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдуғани Абдуразоқов ва Гулбаҳор Мамедова, иқтидорли артистлар Қосим Раҳимов, Жасур Икромов, Нағмат Салимовлар ижро этди.

Спектакль премьерасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева ҳам иштирок этиб, муҳлислар билан бирга чех драматурги Иван Буковчаннинг "Қотил юраги" асарини асосида сахналаштирилган спектакл премьерасини ўтказди. Асарда жаҳолат, қадрият ва жамиятга зид иллатларга қарши кураш мавзуси тараннум этилади. Иван Буковчан асар

А.ҲОШИМОВ.

Шодмон Амонуллоевнинг уруш йилларидаги хотиралар, очлик, заҳматли кунлар, далалардаги аёлларнинг машаққатли меҳнати, бир бурда нон топиш азоби кўлига қалам олишга ундади. Бошидан ўтказган воқеалар, яқинларининг уруш хотиралари, азоби кимгадир ибрат бўлишини, ёшларимиз бундан ҳикмат топишини истади.

Урушнинг аччиқ хотиралари

"Оқ сўт ҳурмати" китоби шу тарзда ёзилди ва китобхонга тақдим этилди.

Китобда Иккинчи жаҳон уруши воқеалари, ундан кейинги қийинчиликлар, очарчилик ҳикоя қилинган. Командир Аҳмаджоннинг уруш хотираларини ўқиб, худди ўзингизни жанг майдониди ҳис қилиб, аскарларнинг ҳаяжонига

гувоҳ бўласиз. 1939 йилнинг май тонгида 16 нафар йигитни ота-оналари қалбада ғам билан ҳарбий хизматга юборишди. Самарқанд темир йўл вокзалидаги хайрлашув, ундан кейин уруш даҳшатлари, унинг илк кундаги қўрқув ва ҳаяжон оддий, содда тилда ҳикоя қилинади.

Бир оёғидан ажралган Муродқул

ака учун урушдан кейинги даврлар, фарзандлари оёққа тургунча бўлган давр қийинчиликлар билан ўтди. У бир оёғи билан ер чопиб экин қиларди.

Уруш халқимиз бошига не-не кунларни солмади. Китобни ўқиб бугунги кунларнинг саодатига, тинч осмонимизга шукрона айта-сиз.

"Зиёвуддиннинг забардаст ўғлонлари"

Таниқли ёзувчи Исмат Санаевнинг мазкур китобида Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, ватан тарихида муносиб из қолдирган қаҳрамонлар ҳаётидан мухтасар ҳикоя қилинади.

"Иккинчи жаҳон урушига Пахтачи туманидан 6039 нафар йигит урушга сафарбар этилган. Шундан 3603 нафари омон қайтган, 2436 нафари халок бўлган ёки бедарак йўқолган. Бу рақамлар урушнинг фожиаси ва

даҳшатини кўз олдингизда намоеъ этади...

Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчасига киришда Қудрат Суюнов номидаги кўчанинг ўнг тарафида Ғалаба боғи ташкил этилди. Унда урушда мардонавор курашган пахтачилик тўрт қаҳрамон ва бошқа уруш қатнашчиларининг номини абадийлаштириш кўзда тутилган. Зеро, ширин жонидан кечиб, шахид кетган жасоратли ўртоқларимизнинг унутилмас хизматлари олдида биз хамиша бурчлимиз".



Адабий таълим муаммолари

Самарқанд давлат университети доценти Фазлиддин Бадриевнинг шу номли китоби чоп этилди. Тўқсонга тўқнашаётган тафаккур тиниқ олимнинг адабиёт - қадриятлар фалсафаси, мумтоз адабиётни ўрганиш муаммолари, бадиий адабиёт таълими, адабий таълим ва қомил инсон тарбияси, адабиёт дарсликлари ҳақида сўзловчи китоби мазмунан теран ёритилган.

Китобда она тили ва адабиёти ўқитувчилари учун тобланиш сабоқлари, катта дидактик тажриба мужассам. Домла битганидек, бадиий асар таҳлили адабий таълимдаги энг жиддий, энг асосий ва энг мураккаб педагогик юмушдир. Ҳар қандай асар таҳлилидаги бош вазифа мана шу

асарнинг асл моҳиятини тушуниш, идрок этишдан иборат. Бадиий асар таҳлилининг жиддий амалий аҳамияти она тили ва адабиёти фанларининг олдида қўйилмайдиган бош вазифа - ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантириш



дир. Ушбу китобда муаллимнинг янги мақолалари билан биргаликда айрим илмий ишларидан намуналар ҳам жамланган. Уларнинг барчасини адабиёт ўқитиш методикаси йўналиши бирлаштириб туради.

Шунингдек, китобда олимнинг бадиий ижодидан ҳам намуналар берилган.

Ойбек ГАДАЕВ, СамДУ бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси.